



## UN'S SPECIAL PROGRAMS FOR CENTRAL ASIA

**Oybek Abdumuminov**

*Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Associate Professor, Research Fellow  
Scientific and Educational Monument Complex named after the First President of Uzbekistan  
Islam Karimov under the President of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [oybek\\_abdimuminov@yahoo.com](mailto:oybek_abdimuminov@yahoo.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, UN, preventive diplomacy, economics, politics, public life, cooperative relations, environmental issues, reforms.

**Received:** 16.01.24

**Accepted:** 18.01.25

**Published:** 20.01.25

**Abstract:** The article highlights the activities of a number of special UN programs aimed at further development of political, economic, social and cultural cooperation with the countries of the Central Asian region. The cooperation of the Central Asian countries with UN programs on sustainable development in the region was also analyzed.

## БМТНИНГ МАРАКАЗИЙ ОСИЁГА ОИД МАХСУС ДАСТУРЛАРИ

**Ойбек Абдимўминов**

*тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, илмий ходим  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти  
Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мајсумаси  
Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [oybek\\_abdimuminov@yahoo.com](mailto:oybek_abdimuminov@yahoo.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, БМТ, превентив дипломатия, иқтисодиёт, сиёsat, ижтимоий ҳаёт, ҳамкорлик алоқалари, экологик муаммолар, ислохотлар.

**Аннотация:** Мақолада БМТнинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор маҳсус дастурлари фаолияти ёритиб берилган. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақани барқарор ривожлантириш масалалари юзасидан БМТ дастурлари билан ўзаро ҳамкорлиги таҳлил қилинган.

## СПЕЦИАЛЬНЫЕ ПРОГРАММЫ ООН ДЛЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Ойбек Абдимуминов**

*Доктор философии (PhD) по истории, доцент, научный сотрудник*

*Научно-просветительский комплекс памятников имени Первого Президента Узбекистана*

*Ислама Каримова при Президенте Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [oybek\\_abdimuminov@yahoo.com](mailto:oybek_abdimuminov@yahoo.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Центральная Азия, ООН, превентивная дипломатия, экономика, политика, общественная жизнь, отношения сотрудничества, экологические проблемы, реформы.

**Аннотация:** В статье освещена деятельность ряда специальных программ ООН, направленных на дальнейшее развитие политического, экономического, социального и культурного сотрудничества со странами Центральноазиатского региона. Также было проанализировано сотрудничество стран Центральной Азии с программами ООН по вопросам устойчивого развития региона.

### **Кириш**

Марказий Осиё республикаларида БМТнинг ўн бешдан ортиқ ихтисослашган ташкилотлари, ўнга яқин дастурлари, жамғармалари ва бошқа тузулмалари фаолият олиб бормоқда. Улар Марказий Осиё давлатларида барқарор ривожланиш, овқат хавфсизлиги, инсон ҳуқуқлари, эко тизимларини мухофаза қилиш, саноатни ривожлантириш, таълим, фан ва маданият, сайёхлик, соғлиқни сақлаш, иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш каби масалаларда ҳамкорлик олиб бормоқда.

БМТнинг Мараказий Осиёга оид ўнга яқин маҳсус дастурлари ташкил этилган. Мазкур дастурлар Марказий Осиёда превентив дипломатия, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қлиш, наркотиклар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикликни йўлга қўйиш масалаларига қартилган.

### **Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ**

Замонавий халқаро муносабатлар шароитида Марказий Осиёда янги тенденциялар вужудга келди. Глобал ва минтақавий ўзагаришлар шароитида Янги Марказий Осиё мухимти шаклланди. Минтақа ташқи сиёсати бўйича экспертларнинг таъкидлашича, “янги геосиёсий шароитда Марказий Осиё Буюк Ипак йўли даврида минтақа эгаллаган ўринни – Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жанубни боғловчи кўприк, турли иқтисодий манфаатлар чорраҳаси мақомини яна ўзига қайтамоқда. БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича маҳсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Каха Имнадзенинг таъкидлашича, “Марказий Осиё кўп жиҳатдан минтақавий

ҳамкорликнинг ноёб модели ва минтақада яшовчи барча халқлар фаровонлиги йўлида яхши кўшничилик муносабатларини куриш борасида дунёнинг бошқа минтақалари учун намуна бўла олади” [11].

БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (ингл. *United Nations Regional Centre for Preventive Diplomacy for Central Asia (UNRCCA)*) 2007 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташабbusi билан БМТ Сиёсий ва тинчликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича департаментининг маҳсус сиёсий миссияси сифатида ташкил этилган. Бу БМТнинг профилактик дипломатияга бағишлиланган биринчи тузилмаларидан бири бўлиб, сиёсий ваколатга эга ва минтақавий даражадаги масалалар билан қамраб олинган.

БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази расмий ваколатхонаси Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида жойлашган. Минтақавий марказ ўз фаолиятини Бош котибнинг маҳсус вакили бошқаради. Жумладан, Марказга 2008-2015 йилларда Мирослав Енча (Словакия), 2015-2017 йилларда Петко Драганов (Болгария), 2017-2023 йилларда Наталья Герман (Молдавия) ва 2023 йилдан буён Каха Имнадзе (Грузия)лар раҳбарлик қилиб келдилар.

Марказнинг асосий мақсади халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ва атроф-муҳитнинг деградацияси каби минтақада тинчлик ва хавфсизликка мавжуд ва эҳтимолий таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этишда Марказий Осиё давлатларига ёрдам беришдан иборат. Бундан ташқари, Марказ минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги шерикликни ривожлантиришга хизмат қиласди [10].

Марказ Марказий Осиё давлатлари ҳукуматлари ўртасида юзага келаётган муаммоларга ечим топиш ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф этиш бўйича мулоқотга кўмаклашади; минтақада фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан уларнинг тинчликпарварлик саъй-ҳаракатлари ва ташабbusларини рағбатлантириш мақсадида доимий алоқаларни ўрнатади; барқарор ривожланиш ва можароларнинг олдини олиш соҳасида фаолият юритувчи БМТнинг бошқа агентликлари билан ҳамкорлик қиласди. Белгиланган мақсадларга мувофиқ Марказ ўз фаолиятида холислик тамойилига амал қиласди [14]. У муаммоларга мавжуд ечимларни кўллашни талаб қилмайди, балки Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган маҳаллий моделларни ишлаб чиқишига кўмаклашишга ҳаракат қиласди.

БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази мандатига мувофиқ, Марказ минтақа мамлакатлари ҳукуматлари билан профилактик дипломатия масалаларида ҳамкорлик қилиш ваколатига эга; мониторинг ва таҳлилларни

ўтказиш; минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни давом эттириш ва ахборот алмашинувини таъминлаш; “Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни давом эттириши, уларнинг тинчликпарварлик саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини рағбатлантириши ваколатларига эга.

Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази терроризмга қарши кураш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ҳамда табиий ресурсларни бошқариш, минтақа ва минтақа атрофида тинчлик ва барқарорни таъминлашга ҳисса қўшиш, низоларнинг олдини олиш ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал қилишда минтақа мамлакатларига ёрдам кўрсатиш, минтақавий ҳамкорлик ва мулоқотни ва превентив дипломатия соҳасида салоҳиятни ривожлантириш масалаларида фаолият олиб боради.

Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази БМТнинг тинчликпарварлик фаолиятидаги ўзига хос тузилма ҳисобланади. Бу тузулма БМТ тизимидағи ягона лойиҳалардан бўлиб, дунёнинг бошқа минтақаларида учрамайди.

Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини яратиш ғояси Қозоғистон Республикаси томонидан 1992 йил БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурилган [15:36]. Унда превентив дипломатияни “сиёсий, ижтимоий-иқтисодий чоралар тизими” [16:49] сифатида таърифлаган. Шундан сўнг, кейинчалик Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини яратиш ташабbusи Туркманистон томонидан илгари сурилган бўлиб, Марказ изчилилк билан минтақавий ва глобал миқёсда тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича концептуал ғояларни илгари суриши [13] мақсад қилинган.

2010 йил апрел ойининг биринчи ярмида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Марказий Осиё мамлакатларига ташриф буюрди. Ашхободда БМТ Превентив дипломатия маркази қароргоҳида сўзлаган нутқида “БМТ Марказий Осиё давлатлари билан табиий, сув ва энергия ресурсларини бошқаришдаги муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик қилишга тайёр” эканлигини билдириди.

Бугунги кунда Марказий Осиёда превентив дипломатия сиёсатининг аҳамияти муҳимдир. Марказ минтақадаги можароларнинг олдини олишга, минтақавий муаммолар ечимиға хизмат қиласи. Бугунги кунда Марказий Осиё жуда кўп сонли ички ва ташқи муаммоларга эга минтақа бўлиб қолмоқда, шунинг учун превентив дипломатия сиёсати минтақадаги мураккаб қарама-қаршиликлар тугунини ҳал қилишга интилаётган барча ижобий кучларни бирлаштирадиган платформа бўлиши мумкин [12:45].

БМТ Бош Ассамблеяси 2017 йил [5], 2021 [6] ва 2023 [7] йилларда Туркманистон ташаббуси билан тақдим этилган “БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий марказидаги роли” резолюцияларини қабул қилди. Мазкур резолюциялар Марказнинг минтақа мамлакатлари ўртасида умумий манфаатдор бўлган масалаларни ҳал этишда мулоқотни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини эътироф этилади.

Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара низоларини тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларида кўмаклашиш ва воситачилик, Марказий Осиёда терроризм ва зўравон экстремизмга қарши қурашиш бўйича минтақавий дастурни амалга оширишни қўллаб-кувватлаш, аъзо давлатларга низоларнинг олдини олиш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқишида кўмаклашиш масалаларида маълум бир натижаларга эришди. Бироқ, превентив дипломатияни амалга ошириш учун субъектив омил яъни минтақа давлатларининг сиёсий иродаси, ички ва ташқи сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ташаббусларини давлат раҳбарлари даражасига кўртариш зарурияти мавжуд. Бу жараёнда ҳар икки йилда бир маротаба минтақада мавжуд ва юзага келаётган муаммолар юзасидан Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари раҳбарлари ва БМТни жалб қилган ҳолда ташкил этиладиган олий даражадаги мунтазам амалий форумларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бу минтақада юзага келаётган муаммолари олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш имкониятини беради. Бу айниқса минтақанинг экологик, сув муаммоларини ҳал этишда жуда муҳим ҳисобланади.

Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказининг бевосита иштирокида Марказий Осиё етакчи аёлларининг мулоқоти ва Ёшлар учун превентив дипломатия академияси платформалари амалга оширилди.

### ***БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун маҳсус дастури***

БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун маҳсус дастури (*СПЕКА, (United Nations Special Programme for the Economies of Central Asia (SPECA)*) Марказий Осиёда субминтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини кучайтириш мақсадида 1998 йилда ташкил этилган. СПЕКА дастурига Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон давлатлари аъзо ҳисобланади. БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси (*UNECE*) ва Осиё ва Тинч океани учун Иқтисодий ва Ижтимоий Комиссияси (*ESCAP*) биргаликда ушбу Дастур доирасидаги фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-кувватлайди.

1998 йил 26 марта бир томондан Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистан Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳамда БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси (ЕИК) ва Осиё ва Тинч океани учун ижтимоий ва иқтисодий комиссия (ЭСКАТО) Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ривожланиш манфаатлари умумийлигини, минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини эътироф этиш, Европанинг ва Марказий Осиё билан иқтисодий жихатдан бирлаштириш масдасида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун маҳсус дастурини (СПЕКА) ташкил қилиш ва уни амалга оширишга қаратилган Тошкент декларацияси [4] имзоладилар.

СПЕКА божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, савдо тўсиқларини камайтириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ва сармояни кенгайтириш, минтақавий транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва минтақавий энергия бозорини яратишга ёрдам бериш, трансчегаравий дарёларни улашиш ва иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бандлик каби инсон ривожланиши масалалари базасидан фаолият олиб боради.

Тошкентда асос солинган мазкур муҳим платформа БМТнинг глобал кун тартибига айланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг амалий механизми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам 1998-2024 йиллар давомида дастур доирасида Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қатарилган тижорат, коммуникация, транспорт ва логистика, рақамлаштириш, энергетика, сув ресурслари, экология, гендер тенглиги ва бошқа соҳаларда 400 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди, минтақа ва минтақа атрофида савдо-сотиқни соддалаштириш ва инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилинди.

2023 йил 20 ноябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё иқтисодиёти учун маҳсус дастурининг йигирма беш йиллиги муносабати билан” [8] деб номланган резолюцияси қабул қилинди.

1998 йилдан 2023 йилга қадар СПЕКА учрашувлари унга аъзо мамлакатлар хукумат комиссиялари доирасида ташкил этилган. Бироқ 2023 йилдан бошлаб Озарбайжон ташаббуси билан СПЕКА дастури доирасида давлат раҳбарларининг учрашуви ташкил этила бошланди. 2023 йил 24 ноябрь куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигига Боку шаҳрида БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун маҳсус дастури (СПЕКА) биринчи саммити бўлиб ўтди [17]. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

ва инсон салоҳиятини ривожлантириш каби соҳаларда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Боку саммити якунилари асосида СПЕКАнинг Боку декларацияси [2] қабул қилинди. СПЕКАнинг ҳуқуқий асослари ва мандат ваколатлари унга аззо давлатларнинг Европа билан ҳам Осиё-тинч океани билан ҳам иқтисодий ҳамкорлик қилишини кафолатлайди. Шу жиҳатдан ҳам бу муҳим дастур ҳисобланади. Чунки, бу масалалар Туркий давлатлар ташкилоти ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти назарда тутилмаган. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотига Тожикистон аззо эмас, лекин СПЕКА дастурининг бевосита аззосидир. Бундан ташқари, СПЕКА саммитларида кузатувчи сифатида иштирок этаётган Венгрия, Грузия Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши раҳбарларининг иштирок этаётгани ҳам бу мазкур дастурнинг салоҳиятини ривожлантиради.

СПЕКАнинг навбатдаги лойӣҳаларига минтақа мамлакатларининг Афғонистон билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масласига қаратиш лозим. Бу Афғонистонда урушдан сўнг трансафон йўлагини тўла ишга тушириш орқали минтақада қулай транспорт-комуникация алоаларини йўлга кўйиш имкониятини бериши мумкин. Шунингдек, бизнингча, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро фаол ҳамкорлиги келажакда СПЕКАнинг институционаллашувига хизмат қилиши керак. Демак иқтисодий алоқалари ривожлантириш орқали иқтисодий салоҳиятини юксалтириш имкониятлари мавжуд. Бу борада СПЕКА доирасида янги ташаббус ва имкониятларни ишга солиши зарурияти мавжуд. Марказий Осиё давлатларининг умумий муаммоларни ҳал этиши ва минтақада барқарор ривожланишга эришиш учун СПЕКА доирасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

### *БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамгармаси*

БМТ тизимида кўптомонлама шекриклика асосланган маҳсус фонdlар мавжуд. Жумладан, гуманитар жамғармалар, тинчлик ва ўтиш даври жамғармалари, тараққиёт жамғармаси, иқлим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фонdlари, глобал, минтақавий ва мамлакат даражасидаги жамғармалар шунингдек, маълум бир минтақани қайта тиклаш ривожлантириш, ёки маълум бир мақсадларни амалга оширишга қаратилган транзит жамғармалари фаолият олиб боради. Уларнинг фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича БМТда 2004 йилда кўптомонлама шериклик Траст фонд оғиси [3] ташкил этилган бўлиб, мавзур оғис молиялаштириш бўйича экспертиза маркази ҳисобланади.

Марказий Осиё минтқасида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳавзаси йирик экологик муаммога айланган. Ушбу худдудда рўй берган экологик инқироз иқтисодий, ижтимоий, табий ва тиббий заарар келтирмоқда. Орол фожеаси XXI асрнинг дастлабки ўн

йиллликларида ёк минтақавий даражадан глобал муаммога айланиб бормоқда. Минтақа мамлакатлари Орол дөнгизи муаммоси ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун миллий, минтақавий ҳамда глобал даражада ҳаракат қилмоқда. Жумладан, бу борда Марказий Осиё давлатлари турли донор давлатлар билан ўзаро хамкорликдан ташқари, деярли ўттиз йилдан буён Орол муаммосини БМТ даражасига олиб чиққан ҳолда халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу муаммога берфарқ бўлмаслика даъват қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиқиб, Орол дөнгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш учун халқаро саъй-ҳаракатларни фаол амалга ошириш зарурлигини таъкидлadi [18]. 2018 йил 27 ноябрда БМТ қароргоҳида ташкил этилган олий даражадаги тадбир асосида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фонди (*UN Multi-Partner Human Security Trust Fund for the Aral Sea region in Uzbekistan (MPHSTF)*) расман фаолиятини бошлади.

Оролбўйи ҳавзасида иқтисодий, ижтимоий, тиббий ва экологик муаммоларини бартараф этиш борасида кенг кўламли тадбирларни ташкил этиш, минтақадаги ушбу долзарб муаммога жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш, техник ва молиявий ресурсларни жалб қилиш, давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг донорлик ёрдамлари ва беғараз кўмакларини мувофиқлаштириш, энг муҳими Орол инқози оқибатларига қарши самарали ишларини ташкил этиш Траст жамғармасининг асосий вазифасидир. Жамғарманинг иқтисодий ва молиявий манбалари БМТнинг кўпшериклик траст жамғармасининг Нью-Йоркдагиофиси томонидан амалга оширилади.

Япония, Норвегия, Нигерия, Қозоғистон, Жазоир, шунингдек, қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари ушбу фонд фаолиятини қўллаб-қувватлади. Хусусан, 2018 йилнинг ўзида ёк Норвегия фонд жамғармасига 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Ўзбекистон ҳукуматининг фонд жамғармасига ҳар йили 2 миллион АҚШ доллари ажратиши белгиланди [9]. Бундан ташқари, БМТ тузумлалари, Европа Иттифоки, Финляндия, Корея, Ал-Валиид жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳам ушбу жамғармага молиявий ҳамкорлар сифатида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон, Финляндия, Корея Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳукуматларининг 9,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги молиявий қўмаги асосида глобал СОВИД-19 пандемияси чекловларга қарамай, Траст фонд ўз фаолиятида бир неча муҳим ютуқларга эришди, хусусан, Тахтакўпир ўрмон хўжалигининг техник ва молиявий имкониятларини яхшиланди, бунинг натижасида 3 минг гектардан ортиқ ерга қуриган ерда саксовул экиш, курғоқчиликка чидамли ўсимликлардан кўчат этиштириш учун 49 гектар майдон ва 58 гектар яйлов майдонларида кўчатлар барпо этилди, қуруқ дөнгиз тубида 2 та илмий

экспедиция ўтказилди, 1500 та турли нұқталардан 30 дан ортиқ ўсимлик турлари аниқланди ва улар қуриган дөнгиз түбига әкиш учун тавсия этилди. Нұкус шаҳар перинатал марказида антенатал ўлим даражасининг 40 фоизга, Беруний ва Құнғирот перинатал марказларида эрта туғилған чақалоқлар ўлим мининг мөсравишида қарийб 30 ва 17 фоизга камайишига олиб келди [1;7-8]. Жамғарма 2022 йилда 2 242 300 АҚШ доллары миқдоридаги маблағларни ўз фаолиятида амалға оширган ҳолда, шу йили Германия давлатининг ҳам беғараз ёрдаймини қабул қилди [1:2].

Траст жамғарманинг ташкил этилиши Орол муаммоси ечимиға ўзига хос трансформацион ёндашув сифатида юзага келди. Чунки Орол муаммоси бугунги кунда экологик муаммодан кенг күламли антропоген фалокатлардан бирига айланиб бормоқда. Орол ва Оролбүйи ҳавзасидаги жиғдий экологик вазият шу худдуудда истимоқмат қилаётган аҳоли генофондига ҳам таъсир күрсата бошлади. Жамғарма ташкил этилгунга қадар муаммога асосан экологик инқироз сифатида баҳо берилди ҳамда асосан Орол дөнгизи қуриши, флора ва фаунанинг фаолокатта юз тутиши ҳамда шу кабиларнинг оқибатини юмшатишига эътибор қаратилди. Мазкур жамғарманинг тузилиши эса бевосита Оролбүйида истиқомат қилаётган аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, тиббий, экологик ва бошқа муаммоларига ҳам жиғдий эътибор қаратади. Шунингдек, Траст жамғарма ўз фаолиятида ушбу худдуудда янги экологик инфратузулмаларни яхшилаш, таббий ресурсларини бошқариш, янги иш ўринларини яратиш, таълим, илм-фан ва соғлиқни сақлашда самарали услубларни жорий этиш ишларини йўлга кўйиш, аёллар ва ёшлар хукуқларини ҳимоя қилиш механизmlарини ривожлантириш каби ишларини амалға ошириши мақсадга мувофиқ.

### **Хулоса ва таклифлар**

БМТнинг ўнга яқин Марказий Осиё минтақасига оид маҳсус дастурлари мавжуд. Улар Марказий Осиёда превентив дипломатияни ривожлантириш, минтақа иқтисодиёти учун маҳсус дастурларни амалға ошириш, инсон хукуқларини таъминлаш, Оролбүйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик олиб бориш каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ БМТ ташкилоти тизимидағи ҳоиригача ягона ва ноиёб тузулма сифатида фаолият олиб бормоқда. Мазкур марказ Марказий Осиёнинг сув ресурслари, энергетика муаммоси, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, савдо-сотиқ айланмасини ошириш каби йўналишларда кенг фаолият олиб бормоқда. Бироқ бизнингча, мазкур Марказ фаолиятини давлат раҳбарлари даражасига кўратиш вақти келди. Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган БМТ шафелигидаги Оролбүйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси минтақа экологик барқарорлигини

таъминлашга қаратилган йирик ташаббус сифатида намоён бўлди. Бизнингча, Ўзбекистонда БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланиши муаммоларини ўрганувчи ҳамда Барқарор тараққиёт масалаларини таҳлил қилишга қаратилган минтақавий марказини ташкил этиш мақсадга мувофик. Бу марказ минтақанинг барқарор ривожланишига, мавжуд ва юзага келдиган муаммоларга ўзаро ҳамкорликда ечим топиш имконини беради.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Annual Report 2022 UN Multi-Partner Human Security Trust Fund for the Aral Sea region in Uzbekistan (MPHSTF). – Tashkent. 2021. – P. 2.
2. Baku Declaration of the Summit of Heads of State and Government of the Member States of the United Nations Special Programme for the Economies of Central Asia – SPECA (Baku, 24 November 2023). <https://unece.org/speca/baku-declaration>
3. Official web site of The United Nations Multi-Partner Trust Fund Office (MPTFO) - <https://mptf.undp.org/page/who-we-are>
4. Tashkent Declaration for the UN Special Progammme for the Economies of Central Asia (SPECA) signed 26 March 1998.
5. UN General Assembly Resolution “Role of the United Nations Regional Centre for Preventive Diplomacy for Central Asia” A/RES/72/7. Resolution adopted by the General Assembly on 17 November 2017.
6. UN General Assembly Resolution “Role of the United Nations Regional Centre for Preventive Diplomacy for Central Asia” A/RES/75/272. Resolution adopted by the General Assembly on 16 April 2021.
7. UN General Assembly Resolution “Role of the United Nations Regional Centre for Preventive Diplomacy for Central Asia” A/77/L.53. Resolution adopted by the General Assembly on 16 April 2021.
8. United Nations Resolution A/RES/78/9 about Commemoration of the twenty-fifth anniversary of the United Nations Special Programme for the Economies of Central Asia. Resolution adopted by the General Assembly on 20 November 2023.
9. БМТ шафелигига Оролбўйи минтақаси учун траст фонди ташкил этилди // <https://daryo.uz/k/2018/11/29/bmt-shafeligida-orolbo%CA%BByi-mintaqasi-uchun-trast-fondi-tashkil-etildi/> (30.12.2018)  
:2БМТнинг Марказий Осиё учун Превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази расмий сайти // <https://unrcca.unmissions.org/ru>
10. Комилов А. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Янги Марказий Осиё. Янги Ўзбекистон. 2024 йил 14 август, 162-сон.

11. Малышев Д.В. Превентивная дипломатия ООН в Центральной Азии. Вестн. Моск. ун-та. Сер. 25. Международные отношения и мировая политика. 2010. № 2. -С. 45.
12. Официальная сайт министерство иностранных дел Туркменистан. Генеральная Ассамблея ООН приняла резолюцию «Роль Регионального центра ООН по превентивной дипломатии для Центральной Азии» // <https://www.mfa.gov.tm/ru/news/522>
13. Письмо Генерального секретаря от 7 мая 2007 года на имя Председателя Совета Безопасности. // РЦПДЦА // [https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/mandat\\_ru\\_0.pdf](https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/mandat_ru_0.pdf)
14. Рахматуллаев Э. Нужна ли Центральной Азии превентивная дипломатия? Мировая экономика и международные отношения, 2007, № 10, - С. 36.
15. Рахматуллаев Э. Превентивная дипломатия: теория, практика и ее перспективы в Центральной Азии. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора политических наук. – Москва. 2008. – С.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё иқтисодиёти учун маҳсус дастури — СПЕКА саммитидаги нутқи. Янги Ўзбекистон. 2023 йил 25 ноябрь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.